Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 26 август, шанба • № 68 (10.744) • Эркин нархда сотилади

1 СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

# ПОРЛОҚ ТАҚДИРИНГГА ЖАҲОН БЕРДИ ТАН, ОЛҚИШЛАР ОҒУШИДА ЯЙРА, ЭЙ ВАТАН!

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Муҳтарам жаноб Президент,*

*Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллиги муносабати билан энг самимий қутловларимни қабул этгайсиз.*

*Америка Қўшма Штатлари биринчи бўлиб Тошкентда элчихона очган эди. Биз Ўзбекистон суверенитети ва мустақиллигини илгаригидай қўллаб-қувватлайверамиз. Барча американиклар гуллаб-яшнаётган, очиқ ва иқтисодий мустаҳкам жамият пойдеворини биргаликда барпо этган Америка ва Ўзбекистон халқлари ҳамкорлиги билан фахрланади. Биз шунингдек сизнинг раҳбарлигингизда эркин ва очиқ мунозара юритиш асосида шаклланадиган сиёсий тизим истиқболини қадрлаймиз.*

*Сизга Америка халқи номидан демократик, мустақил ва фаровон Ўзбекистонни барпо қилиш йўлида Сиз ва Ўзбекистон халқи билан бирга ишлашга тайёр эканимизни изҳор этишимга ижозат бергайсиз.*

*Камоли эҳтиром ила,*

**Уильям Ж. КЛИНТОН,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти.**

## БЕКОБОД ШАҲРИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сизларни Бекобод шаҳри барпо этилганининг 50 йиллиги билан самимий муборакбод этаман.

Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз туфайли Бекобод шаҳри Ўзбекистоннинг энг йирик саноат марказларидан бирига айланди. Бекобод металлурглари ва қурувчиларининг шуҳрати нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам кенг ёйилди.

Бекобод — дўстлик шаҳри. Унда ўнлаб миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек яшаб, меҳнат қилмоқдалар, ўзаро ҳамжиҳатлик, тотувлик, биродарлик туйғуларини мустаҳкамлашда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Шаҳарда иқтисодий ислоҳотларнинг изчил амалга оширилаётгани, кўплаб замонавий ихчам корхоналар ташкил этилаётгани, маданият, маърифат ва бошқа соҳаларда янгича муносабатлар қарор топаётгани барчамизни мамнун этмоқда.

Ўзбекистоннинг моддий ва маънавий юксалишида Бекобод аҳлининг муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида мамнуният билан эътироф этишни истардим.

Азиз дўстлар, қадрдон шаҳрингизнинг ярим асрлик тўйи билан яна бир бор қизғин табриклайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга файз-барака, эзгу ишларингизда янгидан-янги зафарлар тилайман.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЕКОБОД ШАҲРИ МЕҲНАТКАШЛАРИДАН АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Барча миллатлар ҳамда элатларнинг вакиллари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ишида эришган катта ютуқлари, халқ хўжалиги тармоқларидаги кўп йиллик ҳалол хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Юсупов** Мухторжон — Ўзбекистон металлургия комбинати акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси электр пўлат эритиш цехи пўлатни узлуксиз қуйиш қурилмаси оператори.

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Остонқулов** Султон Исломович — «Бекободцемент» акционерлик жамияти цемент туйиш цехи бошлиғи;

**Шаропов** Негмурод — «Сувоқава» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳайдовчиси.

**ҚУЙИДАГИЛАРГА ФАХРИЙ УНВОНЛАР БЕРИЛСИН:**

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»**

**Аренкин** Евгений Иванович — Ўзбекистон металлургия комбинати акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош муҳандиси — бош директор ўринбосари;

**Ашрапов** Хаит — Бекобод цемент комбинати акционерлик жамиятининг цех бошлиғи;

**Расулов** Аҳмаджон — Ўзбекистон металлургия комбинати акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси электр пўлат эритиш цехининг пўлат эритувчиси;

**Саматов** Абдуманнон — «Металлист» акционерлик жамиятининг раиси.

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»**

**Байраков** Сергей Дмитриевич — «Ўзметаллургқурилиш» трести 1-қурилиш-монтаж участкасининг бригада бошлиғи;

**Қаюмов** Ҳалил — Тошкент вилояти тузатиш-қурилиш трести 43-таъмирлаш-қурилиш участкасининг ғишт терувчиси.

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»**

**Цой** Валентин Иванович — Шаҳар марказий касалхонаси жарроҳлик бўлимининг мудири.

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»**

**Бобоева** Қиммат — Шаҳардаги 16-мактаб директори.

**ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:**

**Абдуғаниев** Илашбой — Норуда материаллар ишлаб чиқариш акционерлик жамиятининг тепловоз машинисти;

**Зокирова** Раъно Бурхоновна — Бекобод ҳудудий тиббий бирлашмаси бош шифокорининг ўринбосари;

**Казаев** Михаил Васильевич — Қурилиш материаллари ва конструкциялари заводининг директори;

**Кучкин** Анатолий Васильевич — Ўзбекистон металлургия комбинати акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси навли прокат 1-цехининг вальцовкачиси;

**Мамажонов** Обиджон — «Бекободцемремонт» заводи механика йиғув цехининг бошлиғи;

**Очилова** Икборхон — Ўзбекистон металлургия комбинати акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси қуюв участкасининг ишчиси;

**Пардаев** Акрам Собирович — «Бекободцемент» акционерлик жамияти хомашё цехи чилангарлар бригадасининг бошлиғи;

**Райимжонов** Ҳошимжон — Шаҳардаги 9-ўрта мактаб директори;

**Сеитбекирова** Шефика Жемиловна — «Умид» акционерлик жамиятининг раиси;

**Степанов** Михаил Сергеевич — Шаҳар автомобиль-темир йўл транспорти корхонасининг ҳайдовчиси;

**Ҳоликназаров** Абдуназар — Шаҳар коммунал хўжалигидан фойдаланиш бошқармаси санитария-тозалаш бўлимининг юк ташувчиси;

**Хусаинов** Обиджон — Темир-бетон буюмлари ва қурилиш материаллари комбинатининг арматурачиси;

**Цой** Федор Викторович — «Ўзирстройконструкция» бирлашмасига қарашли 15-механизациялашган кўчма колонна бошлиғи;

**Шарипов** Карвон — «Сарбон» акционерлик жамиятининг ҳайдовчиси.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 25 август.

### *БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА*

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси 1995 йил 30 август куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

### *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 29 август куни соат 9 дан соат 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЭКСПОРТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР АЙРИМ ТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЎПАЙТИРИШНИНГ БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон бозорида харидоргир экспорт маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, Ўзбекистон Республикаси саноатининг устувор тармоқларини энг қисқа муддатларда жадал ривожлантириш учун зарур бўлган кўп валюта талаб этадиган импорт товарларнинг ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Экспортга йўналтирилган маҳсулотлар айрим турларини ишлаб чиқаришнинг биринчи навбатдаги устувор лойиҳалари рўйхати тасдиқлансин:

«Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси лойиҳаларни Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритсин.

2. Амалга ошириш учун қабул қилинган ва иловага киритилган лойиҳаларни рўёбга чиқарувчи «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзмевасабзавотузумсаноат», «Ўзкимёсаноат» уюшмалари, «Ўзқурилишматериаллари» концерни, «Кўмир» акционерлик бирлашмаси объектларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топширишни таъминласинлар. Шу мақсадларда:

«Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси Ўзбекистон республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда томат пастаси ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар етказиб беришга контрактни расмийлаштирсин;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки «Кўмир» акционерлик бирлашмаси билан биргаликда каолин фабрикаси қурилиши лойиҳасини маблағ билан таъминлаш учун Швейцария кредит муассасалари билан тегишли битимни расмийлаштиришни икки ой муддатда тугаллаш чора-тадбирларини кўрсин.

3. «Махсусқотишма» республика бирлашмаси икки ой муддатда Чирчиқ шаҳридаги Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати негизида молибден ва вольфрам ишлаб чиқаришни кўпайтириш лойиҳаси бўйича ҳамкорлик схемасини аниқлаш масаласини ишлаб чиқишни тугалласин.

4. «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекенгилсаноат» уюшмалари ва «Махсусқотишма» республика бирлашмаси икки ой муддатда:

амалга ошириш режалаштирилаётган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослашларини ишлаб чиқишни таъминласинлар;

техник-иқтисодий асослашлар тайёрланишига кўра уларни экспертизадан ўтказиш учун «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига ўз вақтида тақдим этилишини таъминласинлар.

5. «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси, Ўзбекистон республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки юқорида кўрсатиб ўтилган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослашлари ўз вақтида экспертизадан ўтказилишини таъминласинлар. Бир ой муддатда экспертиза якунлангандан кейин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда уларни маблағ билан таъминлаш схемаси ва манбаларига оид таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки «Ўзкимёсаноат» уюшмаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан биргаликда карбамид ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва меламин ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаларининг Европа Қайта қуриш ва тараққиёт банки томонидан маблағ билан таъминланиши тўғрисидаги масалани ишлаб чиқсин.

6. Экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг биринчи навбатдаги устувор лойиҳаларини амалга ошириш учун:

уларни амалга оширишда қатнашувчи корхоналар ўз молиявий маблағларидан ва моддий-техника ресурсларидан энг кўп даражада фойдаланиш чора-тадбирларини кўрсинлар;

Давлат мулки қўмитаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва «Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси билан биргаликда тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этиш, шу жумладан лойиҳаларни амалга оширишда қатнашувчи корхоналарнинг акцияларини чет эл инвесторларига сотиш йўли билан уларнинг негизида акционерлик жамиятлари ташкил этиш орқали жалб этиш масаласини ишлаб чиқсин;

Ўзбекистон республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси билан биргаликда республикага берилаётган чет эл кредитларидан фойдаланиш масаласини ишлаб чиқсин, Молия вазирлигига, лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш учун чет эл инвестицияларига бўлган талаб доирасида белгиланган тартибда ҳукумат кафолатлари беришга рухсат этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда бир ой муддатда ҳукумат кафолатларидан чет эл кредитлари бўйича қарзларни тўлаш учун фойдаланилган тақдирда қарздор корхоналар билан ўзаро ҳисоб-китоблар тартибини ишлаб чиқсин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Молия вазирлиги билан биргаликда қарздор корхоналар томонидан уларга лойиҳаларни амалга ошириш учун берилган кредит маблағлар ўз вақтида қайтарилиши устидан самарали ва амалий назоратни таъминласин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тармоқ уюшмалари, концернлар, корпорациялар, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари ва «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига энг кам маблағ сарфлаган ҳамда минтақаларнинг ҳудудий ва табиий устунликларидан энг кўп даражада фойдаланган ҳолда ташқи бозорда харидоргир ва рақобатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида ишлаб турган, экспортга йўналтирилган корхоналарни модернизациялаш ва техника билан қайта жиҳозлаш юзасидан таклифлар киритсин.

9. Лойиҳаларнинг барча босқичлари ўз вақтида амалга оширилиши устидан амалий назоратни таъминлаш мақсадида, техник-иқтисодий асослашларни ишлаб чиқиш, экспертиза ўтказиш, чет эллик шериклар ва кредит муассасалари билан контрактлар (шартномалар) тузиш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш ва объектларни ишга тушириш ҳам шу жумлага киради, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ ташкил этилсин.

Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ ишларнинг аҳволи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар айрим турларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг биринчи даражали устувор лойиҳаларини амалга оширишнинг бориши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига мунтазам равишда ахборот бериб турсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарлари зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 23 август.





**• Мустақиллик байрами арафасида Чирчиқ шаҳрида янги ўн икки қаватли уй қад кўтарди (чапда), шаҳарсозлик қурилиш бошқармаси бош муҳандиси А. Мирзакаримов (ўнгда) ва «Чирчиққурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг устаси И. Утегенов.**

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР БЎЙИЧА АГЕНТЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий сармоялар бўйича агентлик ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармонини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Хорижий сармоялар бўйича агентликнинг ташкилий тузилмасига розилик берилсин.

2. Хорижий сармоялар масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, Мувофиқлаштирувчи кенгаш хорижий сармоялар бўйича агентлик фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича тавсия тусида қарорлар чиқаради, шунингдек агентлик ноҳукумат муассаса эканлигини назарда тутиб агентликнинг инвестиция муҳитини такомиллаштириш, республикада хорижий тадбиркорлик муаммоларини ҳал этиш ва давлат ёрдамида кўрсатиш бўйича унинг таклифларини кўриб чиқади.

3. Хорижий сармоялар бўйича агентликка бир ой муддатда агентлик уставини ишлаб чиқиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиш тавсия этилсин.

4. Давлат мулки қўмитаси хорижий сармоялар бўйича агентлик фаолиятини ташкилий-техник таъминлаш учун 1,0 миллион сўм ажратсин.

Молия вазирлиги хорижий сармоялар бўйича агентликка уч йил давомида унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек телефон сўзлашувлари ҳақини тўлаш ва иккита хизмат автомобили харажатлари учун ҳар йили миллий валютада 30 минг АҚШ долларига тенг бўлган сумма ажратишни назарда тутсин.

5. Маълумот учун қабул қилинсинки:

хорижий сармоялар бўйича агентликнинг дастлабки уч йил давомида фаолият кўрсатиши Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига ҳамда Инвестицияларга кўмаклашиш хизматини ташкил этиш бўйича техникавий кўмаклашиш лойиҳаси билан белгиланган БМТ ривожланиш дастури маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

уч йил ўтгандан кейин хорижий сармоялар бўйича агентлик фаолиятини маблағ билан таъминлаш агентлик уставида белгиланган доирада унинг ўз фаолияти маблағлари ҳисобидан, шунингдек чет эл мамлакатлари билан инвестиция ҳамкорлигини кенгайтиришдан манфаатдор бўлган корхоналар ва фирмаларнинг, банклар ва бошқа ташкилотларнинг, шу жумладан хорижий корхоналар ва фирмалар, банклар ва бошқа ташкилотларнинг бадаллари ҳисобидан амалга оширилади.

6. Алоқа вазирлиги хорижий сармоялар бўйича агентлик буюртманомалари бўйича унинг офиси учун зарур бўлган миқдорда телефон линиялари, шу жумладан халқаро ва ҳукумат АТСи телефони линиялари ажратишни назарда тутсин.

7. Хорижий сармоялар бўйича агентлик ижара тўлови ундирилмасдан «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 45 А-уйдаги биносига вақтинча жойлаштирилсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда хорижий сармоялар бўйича агентликни жойлаштириш учун шаҳарнинг марказий қисмидан тегишли бино ажратсин ва уни текинга берсин.

9. Агентлик ҳукумат қарорлари юборилиши шарт бўлган ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 5 июлдаги 345-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарлари зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 24 август.

## АЛЛО, БИЗ СИЗНИ ҚУТЛАЙМИЗ!

- ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИНИНГ ҚАЙСИ ВОҚЕАЛАРИ КЎПРОҚ ЁДИНГИЗДА ҚОЛДИ?
- У СИЗГА НИМА БЕРДИ?
- МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАНДАЙ ҲИССА ҚЎШДИНГИЗ?

**А.АБДУМЎМИНОВ,**
**Юқоричирчиқ туманидаги Янгибозор электр алоқа тармоғи бошлиғи:**

— ХИЗМАТИМ юзасидан фақат Янгибозор қўрғонида эмас, туманимизнинг барча хўжаликлари саноат корхоналари, ташкилотларда бўлиб тураман. Истиқлол туфайли рўй берган ўзгаришларни кўриб кўзим қувнайди. Бу, аввало фермерлар меҳнатида, хусусий мулк эгалари хизматида яққол кўзга ташланади. Ўтган йиллар давомида Президентимиз, ҳукуматимизнинг уруш ва меҳнат фахрийларига, умуман кексаларга кўрсатган ғамхўрлигини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Уларга бериладиган пенсиялар миқдорининг бир неча бор ошганлиги бунга ёрқин мисол бўла олади. Қолаверса, алоқа хизмати соҳасида ҳам уруш қатнашчилари, ногиронларга имтиёзлар яратиш тўғрисида муҳим ҳужжатлар эълон қилинди. Шунга кўра туманда бундай кишиларга телефон навбатсиз ўрнатиб берилди ва берилмоқда. Рўйхатга олиш жараёнида фахрийлар биринчи тўловдан озод қилиндилар. Учинчи гуруҳ ногиронлари, афғон уруши қатнашчиларига эса рўйхатга туриш чоғидаги тўлов 20 фоизга камайтирилган. Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида оловли жанглардан қайтган отахонлар, онажонларга Ҳамдўстлик мамлакатларининг истаган ҳудуди билан бир марта бепул гаплашиш имконияти яратилди.

Мустақиллик боқимандаликдан ҳоли бўлиш тўғрисидаги талабни ҳам кўндаланг қўйганлиги менга маъқул бўлди. Бу ҳар бир инсоннинг ишдаги масъулиятини оширди. Биз ҳам хўжалик ҳисобига ўтиб ишлай бошладик. Астойдил ҳаракатимиз туфайли ишимиз олдинга босди, хизмат сифати яхшиланиб бормоқда. Тармоғимиз жамоаси шу йилнинг ярим йили ичида аҳолига 5 миллион 477 минг сўмлик хизмат кўрсатиб, бу борадаги режани 114 фоиз бажарди. Ходимларнинг ўртача иш ҳақи ойига 1500-1600 сўмданга тўғри келмоқда. Соф даромад бўйича ярим йиллик режамиз 3 миллион 471 минг сўм ўрнига 3 миллион 989 минг сўмни ташкил қилди.

Албатта, бу ютуқлар чегара эмас. Бундан буён ҳам алоқа хизмати кўрсатиш даражаси ўсиб, сифати яхшиланиб бораверади.

Энди истиқлол нима берганлиги хусусида тўхталиб, шуни айтмоқчиманки, шу йиллар ичида менга катта ишонч билдиришди. Бош муҳандис бўлиб ишлаётган эдим. Ҳозир туман электр алоқа тармоғи бошлиғиман. Яқинда эса Адолат партияси туман ташкилотининг котиби этиб сайландим. Ана шу эътиборни оқлашга интиляпман.

Туманимизда мавжуд бўлган 820 та радио нуқтаси ва 5500 дан кўпроқ рақамли саккизта АТСнинг изчил ишлаши учун ҳамма тадбирлар ишга солинган. Биз бир йил ичида «Интернационал» участкасида ишламай қолган 200 хонадондаги телефонни қайта «тилга» киргиздик. Шу йилнинг ўзида «Гулистон» жамоа хўжалигининг «Усмонобод» участкасида АТС тўлиқ таъмирланиб, 150 та хонадонда телефонлар яна ишлай бошлади. Байрам арафасида барча станцияларда биноларнинг иситиш тармоқлари созланди.

Жамоада ўз касбига ихлос қўйганлар кўп. «Гулистон», «Юқоричирчиқ», «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларида АТСларга раҳбарлик қилаётган А.Суликов, Ф.Тен, Н.Сафаровлар, Янгибозор тармоғи коммутатори Р.Каримова, электрик В.Игнатьев чироқчи Р.Гулматовлар шундай жонкуярлардан. Улардан аҳоли миннатдор. Бундай фидойи кишиларни мустақиллик айёми билан чин қалбимдан табриклайман. Нимаики эришган бўлсак, уларни катта тўйимизга камтарона бўлса-да туҳфамиз деб биламиз.

